



“16” июль 2021 й. № 02-06/3507

**Рекламадан фойдаланувчилар,
ижтимоий тармоқ фаол
фойдаланувчилари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали автомобилларни нисбатан паст фоизларда ва қулай шартларда кредит ёки лизинг шартномалари асосида олишга чорлайдиган рекламалар кузатилмоқда.

Бундан ташқари, автомобилларни дастлабки тўлов ва фоизларсиз бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олиш учун машина русумидан келиб чиққан ҳолда маълум сумма қийматдаги махсус флаерларни сотиб олиш ҳам таклиф этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу каби ҳолатларни кескин ошишига бир томондан айрим аҳоли вакилларининг соддалиги ва ишонувчанлиги сабаб бўлса, иккинчи томондан рекламларда таниқли шахслар, санъаткорлар, спорт усталарини у ёки бу товарлар (иш, хизмат) олишга қизиқтириши, шартларнинг қулайлиги, хизматнинг кафолатланганлиги тўғрисидаги тавсиялари - фуқаролар ўз харидларини таҳлил қилмаган ҳолда ва таклиф қилинаётган шартларнинг асослигини ўрганмасдан шошма-шошарлик билан қарор қабул қилишларига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (13-модда).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида, Сиздан, товар (иш, хизмат)лар рекламасидан фойдаланганда, айниқса автомашиналарни кредит, лизинг ва бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олишда нисбатан **арзон, қулай ва жалб этувчи таклифлар бўйича шартномалар шартларини диққат билан ўрганиб чиқиш, шартнома тузишга тўлақонли ишонч ҳосил қилинмаганда заруратга кўра ҳуқуқшунос ёки Агентлик мутахассислари билан (1159 қисқа рақами орқали) маслаҳатлашган ҳолда қарор қабул қилишга чақиради.**

Директор ўринбосари



А. Курбонов